



## Савол:

Ассалому алайкум. Ҳозирги пайтда мусулмонларни дарс қилиши қийин бўлиб қолди, лекин алҳамдуиллаҳ мўъминлар ҳаракатдан тўхтаганлари йўқ, масалан ҳужра бўлсин, ёинки, хафтада бир марта дарс бўлсин, шу ишларни милитсияларга етказадиган маразлар ҳам кўп шунаقا ҳужраларни чақувчи кишиларни қатл қилса бўладими? Бизда аниқ маълумотлар бор бир иккита ҳужралар шулар сабабли йўқ бўлиб кетди ва мўъминлар қамоқларга тушдилар илтимос шунга жавоб берсанглар.

## Жавоб:

Ассалому алайкум. Биродар, ҳужра юргизиш, исломий таълим бериш шубҳасиз фойдали иш, Исломнинг равнақи учун унинг таъсири катта. Бироқ бунинг йўлида унга зарар бераётганларнинг қонини тўкишга сабаб бўла олмайди. Ноҳақ тўқилган қонинг қиймати Аллоҳ олдида жуда каттадир. Агар у одам мусулмонлардан бўлса, бунинг ҳеч иложи йўқ. Ҳай, ҳай! Бундан жуда эҳтиёт бўлиш керак. У одам агар мусулмон бўладиган бўлса, унга узрлар қидириш керак, мумкин у қўрқитилгандир, мумкин унга нотўғри тушунчалар берилгандир. Масалан: бу каби ҳужраларда фақат экстремистлар тайёрланади, бу каби ҳолатларни билсангиз дарҳол бизга хабар қилинг. Уларнинг вужуди ҳамма мусулмонларнинг тинчлиги учун зарар, деб уқтирилган бўлса, у бечора бунинг ҳақиқатини билмаса ва хабар берса бу каби одам жоҳиллиги учун маъзурдир. Уни хаттоки уриб ҳам бўлмайди. Хуллас калом бу каби ишларда зинҳор шошмаслик керак. Бу каби ишлар ҳақида ўйлашдан кўра қаттиқрок эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Ўйламасдан қилинган бир ишнинг оқибати кўпчиликнинг бошига этиши мумкин.